

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**366** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 15 апрелдаги ПҚ-2164-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 17 июль,  
ПҚ-2213-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2014 йил 17 июлдаги  
ПҚ-2213-сонли қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 11 мартдаги ПҚ-26-сонли қарорининг 3-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Белгилансинки, истеъмолда бўлган машиналар, ускуналар ва механизмларнинг ТИФ ТН гуруҳлари бўйича экспорти, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари бўйича қуйидаги шартларда амалга оширилади, устав жамғармасида (устав капиталида) давлат улуши бўлмаган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган экспорт бундан мустасно:

машиналар, асбоб-ускуналар ва механизмларнинг тўлиқ эскириши;  
машиналар, асбоб-ускуналар ва механизмларнинг экспорт қилувчи корхона томонидан сотиб олинганига 5 йил тўлиши».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги ПҚ-649-сонли қарори билан тасдиқланган Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомнинг 117-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«117. Давлат геология қўмитаси тушган материалларни келишиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Ўзбекнефтегаз» МХКга (углеводородлар бўйича) уч кун мобайнида юборади. Кўрсатиб ўтилган органлар ўн кун мобайнида ўз хулосаларини тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси тўрт кун мобайнида экспертизанинг йиғма материалларини умумлаштиради ва шакллантиради, шунингдек ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга (тўлиқ ёки қисман) бериш мумкинлиги тўғрисида зарур хулосалар ва таклиф билан тушунтириш ёзувларини тайёрлаб, материалларни кўриб чиқиш ва ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини (тўлиқ ёки қисман) бошқа шахсга беришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат мобайнида ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини (тўлиқ ёки қисман) бошқа шахсга беришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

Қарор аризачига қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кун мобайнида ёзма шаклда жўнатилади. Келишиб олишнинг рад этилиши асосланган бўлиши керак.

Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини беришни қайта келишиб олишда ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини беришни келишиб олиш

рад этилган аввалги қарорда кўрсатилмаган янги асослар бўйича уни рад этишга йўл қўйилмайди.

Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишиб олинганлиги томонларнинг ҳуқуқни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги тегишли шартномани тузиш ва ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи (тўлиқ ёки қисман) берилаётган шахсга ваколатли орган томонидан лицензия берилиши учун асос ҳисобланади».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ–1236-сонли қарори билан тасдиқланган Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини тузиш жараёнида давлат бошқаруви органлари ва лойиҳалар ташаббускорларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандида:

а) «киритади» сўздан олдин «бир дарча» принципи бўйича» сўзлари қўшиб қўйилсин;

б) қуйидаги мазмундаги янги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Хўжалик юритувчи субъектлар лойиҳаларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш бўйича электрон шаклда таклифлар бериш ҳуқуқига эга».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2011 йил 2 майдаги ПҚ–1524-сонли қарорида:

а) 2-иловасида:

36-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат геология қўмитасининг тақдимномасига биноан ҳар йилнинг 1 февралидан кечикмай норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларининг (кенг тарқалганлари бундан мустасно) жорий йил рўйхатини тасдиқлайди, улардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш очиқ савдолар орқали амалга оширилади.

Комиссия Давлат геология қўмитасининг тақдимномасига биноан ҳар йилнинг 1 февралидан кечикмай жорий йил учун:

кенг тарқалган норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларининг рўйхатини (улардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш очиқ савдолар орқали амалга оширилади);

мазкур Низомнинг 21 ва 22-бандларида назарда тутилган очиқ савдога чиқарилаётган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларининг лойиҳаларини;

сўралаётган ер қаъри участкасида мўлжалланаётган фаолиятни амалга ошириш учун аризада мавжуд бўлган энг кам миқдордаги зарур техникавий восита ва молиявий маблағлардан, шунингдек пудратчи сифатида жалб этилаётган соҳа мутахассисларидан иборат очиқ савдо иштирокчиларига нисбатан малака талабларини тасдиқлайди.

Кенг тарқалган фойдали қазилмалар рўйхати мазкур Низомнинг 1-ило-  
васида берилган»;

37 ва 38-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

39-банднинг биринчи хатбошидаги «Комиссия» сўзи «Вазирлар Мах-  
камаси ёки Комиссия томонидан норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган  
ер қаъри участкаларининг рўйхати» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги таҳрирда 39<sup>1</sup>-банди билан тўлдирилсин:

«39<sup>1</sup>. Давлат геология қўмитаси Вазирлар Маҳкамаси ёки Комиссия  
томонидан норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участка-  
ларининг рўйхати тасдиқлангандан сўнг бир hafta муддатда сўралаётган ер  
қаъри участкаларидан фойдаланиш бўйича йириклаштирилган техник-иқти-  
содий ҳисоб-китоблар ёки техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш учун  
зарур ҳажмдаги геология, тоғ-техника, технологик ҳамда бошқа маълумот-  
лардан иборат геологик ва бошқа маълумотлар тўпламини тайёрлайди.

Сўралаётган ер қаъри участкаси бўйича геологик ва бошқа маълумот-  
лар тўплами, белгиланган тартибда Давлат геология қўмитаси томонидан  
ариза берганлар (талабгорлар)га очиқ савдоларда иштирок этиб, ер қаъри  
участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензия олиш учун соти-  
лади. Бунда тўлов миқдори маълумотларни тайёрлаш (танлаш, кўчириш,  
кўпайтириш ва бошқа) хизматлар кўрсатиш учун кетган харажатлар доира-  
сида белгиланади.

42-банднинг иккинчи хатбошидаги «37, 38, 39 ва 41» рақамлари «36,  
39, 39<sup>1</sup> ва 41» рақамлари билан алмаштирилсин.

43-бандида:

қуйидаги мазмундаги ўн биринчи — ўн тўртинчи хатбошилар билан  
тўлдирилсин:

«ер қаърини геологик ўрганиш ва норуда фойдали қазилмаларни қазиб  
олиш учун беришда йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар;

норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва техноген минерал маҳсу-  
лотлардан фойдаланиш учун беришда техник-иқтисодий асослар;

атроф муҳитга таъсири тўғрисидаги Ариза лойиҳасига давлат экология  
экспертизасининг ижобий хулосаси;

аризачи, очиқ савдода ютиб чиққан тақдирда, давлат бюджетига тўла-  
надиган пул миқдори кўрсатилган молиявий таклиф»;

ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда ўн бешинчи  
ва ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмунда 44<sup>1</sup>-банди билан тўлдирилсин:

«44<sup>1</sup>. Сўралаётган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини бера-  
диган лицензияни олиш учун молиявий таклифнинг энг кам суммаси:

ер қаърини геологик ўрганиш учун — норуда фойдали қазилмалар ко-  
нини қидириш ва разведка қилишга обуна бонусининг қонун ҳужжатларида  
белгиланган ставкаси миқдорини;

норуда фойдали қазилмаларни тажриба-саноат усулида қазиб чиқариш  
ва уларни қонлардан қазиб олиш, шунингдек техноген минерал маҳсулот-

лардан фойдаланиш учун — тижорат мақсадидаги топилма бонусининг қонун ҳужжатларида белгиланган ставкаси миқдорини ташкил этади»;

45-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45. Давлат геология қўмитаси талабнома бериш муддати тугагандан сўнг бир кун муддатда тақдим этилган талабномаларни умумлаштириб, уларни кўриб чиқиш учун Комиссиянинг ишчи гуруҳига киритади.

Комиссиянинг Ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳи) Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг малакали мутахассисларидан иборат таркибда тузилади. Ишчи гуруҳининг Низоми ва унинг таркиби Комиссия томонидан тасдиқланади.

Ишчи гуруҳи икки ҳафта муддатда:

хар бир аризачининг малака талабларига мослигини аниқлаш мақсадида талабномаларни кўриб чиқади;

йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар ва техник-иқтисодий асослар экспертизасини амалга оширади;

кўрилган масалалар бўйича Давлат геология қўмитасига асосий фикр-мулоҳаза ва таклифлар баён этилган ёзма равишдаги хулосани тақдим этади»;

46 — 50-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

51-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«51. Давлат геология қўмитаси Ишчи гуруҳининг хулосасини олгандан сўнг икки кун муддатда материалларни умумлаштириб, кўриб чиқиш учун Комиссияга тақдим этади»;

57-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«57. Очiq савдоларда малака талабларига мос келган битта иштирокчи қатнашган ва йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар ёки техник-иқтисодий асосларга Комиссия Ишчи гуруҳи экспертизасининг ижобий хулосаси олинган тақдирда, голиб бевосита музокаралар натижасига кўра Комиссиянинг қарори бўйича аниқланиши мумкин, агарда бундай қарорга рўйхат таркибининг камида учдан икки қисми овоз берган бўлса»;

Низомнинг 2-иловаси матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган  
ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун  
лицензиялар бериш  
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Вазирлар Маҳкамаси	Давлат геология қўмитасининг тақдимномасига биноан жорий йилга норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларининг (кенг тарқалганлари бундан мустасно) рўйхатини тасдиқлайди, улардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни очиқ савдолар орқали бериш назарда тутилган.	Ҳар йилнинг 1 февралигача
	Комиссия	Давлат геология қўмитасининг тақдимномасига биноан жорий йил учун: кенг тарқалган норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларининг рўйхатини, улардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни очиқ савдолар орқали бериш назарда тутилган; лицензияга киритилган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларининг лойиҳаларини; очиқ савдо иштирокчиларига қўйилган малака талабларини тасдиқлайди.	
	Давлат геология қўмитаси	Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларининг рўйхатлари, ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларининг лойиҳалари ва малака талаблари тасдиқлангандан сўнг ўзининг Интернет тармоғидаги расмий сайтида ер қаъри участкалари, улардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни очиқ савдолар орқали бериш назарда тутилганлиги ҳақидаги маълумотларни жойлаштиради.	3 кун
	Давлат геология қўмитаси	Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларининг улардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларини очиқ савдолар орқали бериш назарда тутилган рўйхатлари тасдиқлангандан сўнг сўралаётган ер қаъри участкаси бўйича геологик ва бошқа маълумотлар тўпламини тайёрлайди.	7 кун
2-босқич	Давлат геология қўмитаси	Ўзининг Интернет тармоғидаги расмий сайтида ҳар бир ер қаъри участкаси бўйича очиқ савдоларда иштирок этиш учун талабномалар қабул қилишнинг охириги муддатини эълон қилади.	Биринчи талабнома келиб тушгандан сўнг
	Давлат геология қўмитаси	Очиқ савдоларда иштирок этиш учун талабномалар қабул қилади.	30 кун
	Давлат геология қўмитаси	Талабнома бериш муддати тугагандан сўнг тақдим этилган талабномаларни умумлаштириб, уларни кўриб чиқиш учун Ишчи гуруҳига киритади.	1 кун
	Ишчи гуруҳи	Ҳар бир талабнома берган талабгорнинг малака талабларига мос келишини кўриб чиқиб, ИТИХК ва (ёки) ТИАни экспертизадан ўтказади. Натижалари бўйича Давлат геология қўмитасига тегишли хулосани беради.	14 кун

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
	Давлат геология қўмитаси	Экспертизанинг йиғма ҳужжатларини умумлаштириб, уларни кўриб чиқиш учун Комиссияга тақдим этади.	2 кун
3-босқич	Комиссия	Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, очиқ савдолар голибини аниқлайди.	10 кун
	Очиқ савдо голиби	Давлат бюджетига молиявий таклиф пулини тўлаб, ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини имзолайди.	Уч ой мобайнида
	Комиссия	Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия беради.	3 кун

б) 3-иловада:

5-бандида:

қўйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Очиқ савдо иштирокчилари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш, экспертиза қилиш ва Низомини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг малакали мутахассисларидан иборат Комиссия Ишчи гуруҳини ташкил этиш»;

бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

7-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Комиссия ишчи гуруҳининг фаолияти устидан назорат олиб бориш».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги ПҚ–1843-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат солиқ хизмати идораларига солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари пайдо бўлиши (тугатилиши) тўғрисида маълумот тақдим этадиган идора ва ташкилотлар рўйхатининг «Тақдим этиладиган маълумот номи» устунда:

6-позициядаги «бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан» сўзлари чиқариб ташлансин;

13-позицияси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш фактлари ҳақида маълумот, шунингдек уларни бекор қилиш, тўхта-тиб туриш ёки тугатиш тўғрисида маълумот».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ–2099 сонли қарори 7-иловасининг «Тўловчилар» устунини 3-позициясидаги ва 9-иловасининг 7-позициясидаги «гастроль-концерт» сўзлари «концерт-томоша» сўзлари билан алмаштирилсин.